

# Лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини бажариш учун

№ 13636 - сонли шартнома

Бухоро шаҳри

05 апрель 2022 йил

Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси» келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан компания директори Ф.Б.Жаллиев бир томондан «**BUXORO ELEKTROTEXLOYIXA**» МСНJ кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб аталиб ҳамда Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар Ж.У.Джураев иккинчи томондан мазкур лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича шартнома туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. Бухоро вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компаниясининг **2022 йил 1 апрелдаги № 60017-сонли йигилиш баённомасига кўра «Ромитан туман марказини ободонлаштириш, саломатлик йулаги»** обьекти бўйича лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тайёрлашни ўз зиммасига олади.

1.2. Буюртмачи лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиха-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларини амалдаги тартиб-қоидалар ва меъёлларга риоя этган ҳолда ишлаб чиқади.

1.4. Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари қўйидаги тартибда:

- бажариладиган ишлар муддатининг календар режаси 1-иловага мувофиқ;
- асослаштирилган келишув баённомаси 2- иловага мувофиқ;
- лойиха ишларини бажариш сметаси – 3 илова мувофиқ белгиланади.

Ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

## 2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

### 2.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.2. Бажарувчи шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш.

2.3. Тайёр бўлган лойиха-смета амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равища қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

### 2.5. Бажарувчининг мажбуриятлари:

2.6. Бажарувчи ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, Буюртмачи билан бажарилган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиш;

2.7. Объектнинг курилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишлари амалга ошириши шарт;

2.8. Ушбу шартнома бўйича Бажарувчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир ҳафтадан ошмаган муддатда, талаб қилинган сифат даражасида ўз ҳисобидан қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

## 3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Қўйидаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2. Ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи буюртмачига ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 3 нусхада лойиха-смета ҳужжатлар тўпламини топширади.

3.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг руйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиши ва 15 иш кунида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхталиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

3.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

#### 4. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ.

4.1. Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси қўшимча қиймат солиғи билан – **108 615 500** (Бир юз саккиз миллион олти юз ун беш минг беш юз) сўмни ташкил этади.

4.2. «Буюртмачи» шартнома имзолангандан сўнг шартнома баҳосининг 30 % миқдорида бўнак (аванс) тўловини амалга оширади. Қолган 70% тўлов бажарилган ишларни тасдиқловчи хужжат (далолатнома)га асосан тўловни амалга оширилишини маълум қиласиз.

4.5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Куйидаги ҳолларда:

-ишлар қиймати кўпайтиришга енгib бўлмайдиган яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзgartiriлганда.

#### 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК 1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлангунга қадар жавоб беради. Лойиҳа-смета ҳужжатларida камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқади.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзgartiriшлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4. Мазкур шартнома бўйича низо келиб чиқсан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида Бажарувчига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбериятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7. Шартнома «Бажарувчи»нинг ташабbusи билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингунга қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ «Бажарувчи»га қайтарилмайди.

5.8. Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдириган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиши лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб-китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

## Пеня тўлаш

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китоблардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

5.9. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва ҳ.к. оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.3. Музокоралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларини ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва хақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 7. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ.

7.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ҲИСОБ РАҶАМЛАРИ

### «БУЮРТМАЧИ»

«Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи хизмат инжинииринг компанияси»

Манзил: Бухоро шаҳри, Пр. Навои 5  
тел. 223-63-23, 223-63-26

X/r : 100021860064017016804018083

ИНН 201512962 ОКОНХ 69000 ОКЭД 70100

Бухарское областное Управление Казначейства  
X/r: 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент шаҳри  
МФО 00014 ИНН 201122919

Компания раҳбари Ф.Б.Жаллиев  
(мухр, имзо)

Хукуқшунос: Д.Соибов  
Лицензия ЮК № 006116

Ш.Б. Р. Хайтов

### «ИШ БАЖАРУВЧИ»

«BUXORO ELEKTROTEXLOYIXA» МСН

Манзил: Бухоро шаҳар С.Рахимов кўчаси 6-уй  
Телефон: +99891 405 00 13

X/r : 20208000305125320001

ТОШКЕНТ Ш.,

"УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ" АТБ БОШ

ОФИСИ

СТИР 306732650

МФО 00440

Директор Ж.Джураев  
(мухр, имзо)

Хукуқшунос:

2022 йил 5 апрелдаги  
№ 13636 - сонли шартномага 1-илова

**Бажариладиган ишларнинг календар  
РЕЖАСИ**

Объектнинг номланиши	Бажариш муддати	
	Бошланиши	Тугаси
<b>«Ромитан туман марказини ободонлаштириш, саломатлик йулаги»</b> обьекти бўйича лойиха-смета хужжатларини Буюртмачининг топшириғига асосан ишлаб чиқишини ўз зиммасига олади..	05.04.2022 й.	13.04.2022 й.

**«БУЮРТМАЧИ»**

Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи  
хизмат инжиниринг компанияси



Ф.Жаллиев

**«ИШ БАЖАРУВЧИ»**

«BUXORO ELEKTROTEXLOYIXA» MCHJ



Ж.Джураев

2022 йил 5 апрелдаги  
№ 13636 - сонли шартномага 2-илова

**Шартнома баҳосининг келишув  
БАЁННОМАСИ**

Биз кўйида имзо қўювчилар: **«Ромитан туман марказини ободонлаштириш, саломатлик йулаги»** обьекти бўйича лойиҳа-смета хужжатларини Буюртмачининг топшириғига асосан ишлаб чиқишин ўз зиммасига олади.

Ишлаб чиқиш бўйича 2022 йил 5 апрелдаги № 13636 - сонли шартнома баҳосини қўшимча қиймат солиги билан - **108 615 500** (Бир юз саккиз миллион олти юз ун беш минг беш юз) сўмга teng деб келишилганини тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

**«БУЮРТМАЧИ»**

Бухоро вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи  
хизмат инжиниринг компанияси



Ф.Жаллиев

**«ИШ БАЖАРУВЧИ»**

«BUXORO ELEKROTEXLOYIXA» MCHJ



Ж.Джураев

2022 йил 5 апрелдаги  
№ 13636 - сонли шартномага З-илова

## ЛОЙИХА ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ СМЕТАСИ

Лойиҳа ишларининг номи: **«Ромитан туман марказини ободонлаштириш, саломатлик йулаги»** объекти бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тузиш ишлари.

Буюртмачи: Бухоро вилоят ҳокимлиги хузуридаги Ягона буюртмачи хизмати-инжиниринг компанияси

Бажарувчи: «BUXORO ELEKROTEXLOYIXA» » МСНJ

Объектнинг номи	Хисоблаш	Нархнинг умумий ҳисоби
<b>«Ромитан туман марказини ободонлаштириш, саломатлик йулаги»</b> объекти бўйича лойиҳа-смета хужжатларини Буюртмачининг топшириғига асосан ишлаб чиқишини ўз зиммасига олади.	Ўзбекистон Республикаси курилиш вазирининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Лойиҳа- тадқиқот ишларининг қиймати аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 3180-сонли буйруғига асосан объектнинг мураккаблик 2 тоифасига киради. Курилишнинг тахминий даражаси, мураккаблик даражасига қараб, ўртacha 3,65 % ни ташкил этади.  Хисоблаш учун 2,73 % кабул киламиз.	3 459 217 391 x 2,73 % = 94 448 261
<b>3 459 217 391</b> сўм ҚҚСиз		94 448 261
<b>ҚҚС 15 %</b>		14 167 239
<b>Жами:</b>		108 615 500

Нархи сўз билан: **108 615 500** (Бир юз саккиз миллион олти юз ун беш минг беш юз) сўм ҚҚС билан.

«BUXORO ELEKROTEXLOYIXA» МСНJ

директори:



Ж.Джураев